

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**69 Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-1*

*(2010 йил 9 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон буйруғи билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 29 январь,  
2010-02-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази бош директорининг 2010 йил  
29 январдаги 2010-02-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли  
қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш  
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«**корпоратив облигация** (кейинги ўринларда облигация деб юритилади) — очик акциядорлик жамиятлари ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилган тижорат банклари томонидан чиқарилган, облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкӣ эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкӣ ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз;».
2. 21-банднинг биринчи жумласи чиқариб ташлансин.
3. 22-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Облигацияларни фақат тижорат банклари, шунингдек, қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда очик акциядорлик жамиятлари:».
4. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«23. Облигациялар уларнинг эгаларига очик акциядорлик жамиятини ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган тижорат банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.».
5. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«26. Устав фондининг шаклланишига қадар (тижорат банклари устав фондининг шаклланиш ҳоллари бундан мустасно), шунингдек, уни тўлдириш ёки эмитентнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун облигациялар чиқаришга йўл қўйилмайди.».
6. 43-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«г) юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғриси-

даги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, банклар бўлган тақдирда эса — банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;».

7. 45-бандда:

а) «е» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин;

б) «о» кичик бандидан «(эгасининг номи ёзилган облигациялар учун)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8. 73-банднинг «а» ва «б» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) акциядорлик жамиятларининг акциядорларига қимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқи тақдим этилганида;

б) қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан қимматли қоғозларни олишга чекловлар қўйилганида;».

9. 95-бандда:

«г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисоботларни тақдим этиш ва ахборотни ошкор этиш тўғрисидаги кўрсатмалари бажарилмаганда (фақат жойлаштириш муддати давомида);»;

«е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва рисола билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби бўйича маълумотлар нашр қилинмаганда (фақат жойлаштириш муддати давомида);».

10. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

*Давлат мулки қўмитаси  
раисининг биринчи ўринбосари*

**А. АБДУХАКИМОВ**

*2010 йил 26 январь*

*Марказий банки раиси*

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*2010 йил 26 январь*